

Ҳусни хулқ

10:31 / 24.03.2017 10169

Маълумки, Ислом дини инсониятни гўзал хулқу одобга чорлаш, уларни инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш учун нозил қилинган бўлиб, унинг таълимоти инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олгандир. Динимизнинг ҳаётбахш ва ўлмас қадриятлари мана ўн беш асрдирки, ҳамон бутун башарият назарида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. Биринчи навбатда, биз уммати Муҳаммадияни ўз динимизга бўлган муҳаббатимизни янада зиёда бўлишига сабаб бўлса, иккинчидан, унинг таълимотларига чин ихлос билан амал қилмоқликка ундайди.

Аллоҳ таоло Ўзининг энг сўнги ва комил динини мукаммал ахлоқи соҳиби бўлмиш сарвари олам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Зеро, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динимизнинг ҳар бир замон ва маконга муносиб бўлган, шунингдек, ҳар бир шахснинг иқтидорига қараб таклиф қилинган кўрсатмаларини биз умматлари учун ўзларининг ҳаётларига тадбиқ қилиб кўрсатиб бердилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳар бир мўмин мусулмон учун улкан тарбия мактабидир. У зоти шарифнинг ҳаёт йўлларини қунт билан ўрганиб чиққан ҳар бир инсон албатта, бунга амин бўлмай чораси йўқ. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

«(Эй, имон келтирганлар!) **Сизлар учун - Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарига гўзал намуна бордир**» (*Аҳзоб сураси, 21-оят*) деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни барча мўмин мусулмонларга намуна бўлишга энг лойиқ зот эканликларини баён қилган.

Юқорида зикр қилиб ўтганимиздек, динимиз кўрсатмалари асосан, инсониятни гўзал ахлоқли бўлишга, бандага Аллоҳ таолонинг олдидаги ҳамда жамият олдидаги бурчу вазифаларини гўзал суратда адо этишга, инсонлар ўртасидаги муносабатларни самимий ва беғараз амалга оширишга тарғиб қилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг барчасида мўмин мусулмонларга ўрнак кўрсатганлар.

Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун оламларга пайғамбар бўлиб келган бўлсаларда, биринчи навбатда оддий бир инсон эдилар. Оддий кишилар қатори еб-ичар, бозорга бориб эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсаларни ҳарид қилар эдилар. Айнан мана шу жиҳатлари ҳатто баъзи бир жоҳилларни ҳайратга солар эди. Яъни, пайғамбардек зотнинг бундай оддий инсонлар қиладиган ишлар билан машғул бўлиши уларни ажаблантирар эди. Бу ҳақда Қуръони каримда: «(Куфрда бўлганлар): **«Бу қандай пайғамбарки, (оддий одамлардек) таом еса ва бозорларда юрса?! - дейдилар...»** - деб хабар берилган. (Фурқон сураси, 7-оят).

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга таом келтирилса, иштаҳалари тортса ер эдилар. Агар кўнгиллари тортмаса емасдилар, лекин таомнинг камчилигини айтиб айбламас эдилар».

Имом Муслим ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камтарлик бобида ҳам ниҳоят даражада юксак ўрин тутганлар. Бунинг мисоли тариқасида қуйидаги ривоятни кўриш мумкин: Аллоҳ таоло У зотга пайғамбарлик билан подшоҳликни қўшиб берилиши ёки оддий банда бўлган ҳолда пайғамбар бўлиш ихтиёрини берганда, Он ҳазратлари оддий банда бўлган ҳолда пайғамбар бўлишни танлаганлар.

Имом Байҳақий ривояти.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини олиб хизмат қилган Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу, У зотнинг тавозелиklarини эслаб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. Лекин, менга бирор марта ҳам «Уф» демадилар. Шунингдек, бирор нарса қилсам «нима учун уни қилдинг?», демаганлар, агар бирор ишни қилмасам «нимага буни қилмадинг?», деб айтмаганлар» - деганлар.

Демак, Он ҳазратлари ҳеч қачон бирор кимсага кўрс ва дағал муомала қилмаганлар. Ширин сўзлик ва мулойимлик билан муомала қилганлари учун ҳам, инсонлар У зотга эргашар, хизматларини қилишга ошиқишар эди. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам:

«Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлура эдилар...» - деб хабар

берилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам оила аҳллари билан ҳушмуомалада бўлар, уй юмушлари билан ҳам шуғулланар эдилар. Оиша розияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оила аҳллари билан ёлғиз қолганларида ўзларини қандай тутардилар» – деб сўрашганда, у киши:

«Жуда мулойим муомала қилар, кулиб, табассум билан боқар эдилар. Шунингдек, оила аҳллари хизматида бўлар эдилар. Ҳеч ким У зотни саҳобалари орасида оёқларини узатиб ўтирганларини кўрмаган» – деб жавоб берганлар.

Кўриниб турибдики, сарвари коинот пайғамбар бўлишларига қарамай оилага нисбатан зиммаларидаги бурчларини бекаму кўст адо этганлар. Уларнинг рўзғор юмушларига кўмаклашар, имкониятлари даражасида аҳли аёлларини нафақа билан таъминлар эдилар. Баъзи бир оила раҳбарлари эса, иш ва тирикчиликни баҳона қилиб ёки тарки дунёчиликка берилиб оиласи, бола чақасини нафақа билан таъминлаш, фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланишни унутиб қўймоқдалар. Албатта, бу мусулмончиликка тўғри келмайди. Ҳар бир нарсанинг, жумладан, ишнинг ҳам, ибодатнинг ҳам ўз вақти бор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир ҳақ эгасининг ҳаққини адо этинг» – деганлар. Шундай экан, аҳли аёл ва фарзандларимиз нафақаси ва таълим тарбияси билан шуғулланишни ҳам унутмайлик. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо яна:

«Хусни хулқда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўтадиган ҳеч ким бўлмаган, зеро у зот қачон бирор кимса чақирганда доимо лаббай деб жавоб берар эдилар» – деганлар.

Ушбу ҳадисдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳушхулқликлари, У Зотга мурожаат қилган кимсага нисбатан ҳушмуомалада бўлишларини кўриш мумкин. Кўришганда саломлашиш, чақирганда лаббай дейиш, хайрлашганда эса, омонлик тилаш биз мўмин-мусулмонлар учун одатга айланмоғи керак. Зеро, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳил ва иноқликнинг зиёда бўлиши биринчи навбатда, ҳушмуомала ва ширин суҳанликка боғлиқдир.

Аҳли илмлар орасида «Аллоҳнинг хулқи ила хулқланинглари» деган гап бор. Бу гап ўша рухсат берилган доирадаги хулқланишга ишорадир. Энг

муҳими, Аллоҳ таоло Ўзининг баъзи сифатлари ила бандаларини сифатлаб қўйган ва бу ҳақийқат Қуръони Каримда ҳам ўз ифодасини топган.

Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади: **«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишишингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Расул келди»** (Тавба сураси, 128-оят).

Бу ояти каримада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асосий сифатларидан бир нечтаси зикр қилинмоқда.

«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган», яъни бошқа ёқдан келмаган, осмондан тушмаган, балки ўзингиздан бўлган бир киши Расулуллоҳ бўлиб келди.

Ўйлаб кўрсангиз, бу ҳол ўзингиз учун шараф, обрў. Ўз ичингиздан шундай олий мақомга сазовор инсон чиққанидан хурсанд бўлишингиз ва унга эргашишингиз керак.

Шахс саодати ва жамият осудалигига оид омиллар ичида хушхулқлик ва тотувлик муҳим аҳамиятга эга. Хушхулқ инсон доимо бахтиёр бўлади.

Муқаддас динимиз хушхулқликка ва тотувликка раҳна солувчи иккиюзламачилик, манманлик, ғийбат, ҳасад ва хиёнат каби иллатларни харом қилган. Хўш - хулқлик ва тотувликка хос ҳамма хислатларни тарғиб этади ва уларни ибодат санайди. Меҳр-шафқат, самимий муносабатлар хушхулқлик ва тотувликка етказувчи хислатлардир. Барчага меҳр-шафқат кўрсатиш, самимий муносабатда бўлиш суннатдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деб марҳамат қилганлар: «Менга фарзларни адо этиш буюрилгани каби, инсонларга хушмуомалада бўлиш ҳам буюрилди... Инсонларга хушмуомалада бўлиш садақадир» деганлар.

Дарҳақиқат, яхши муомала ва самимий муносабат қалбларга севинч бағишлайди. Севгига тўла қалблар фақат яхшилик истайди. Ҳамсуҳбатингиз қалбига севинч тақдим этишингиз гуноҳларингиз кечирилишига сабаб бўлади. Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларидир.

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Менга насиҳат қилинг» деди. «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқ» дедилар. «Яна

кўпайтиринг», деди. «Ёмонлик орқасидан яхшилик қил, у ёмонликни ўчиради» дедилар. «Яна кўпайтиринг», деди. «Инсонларга чиройли хулқ билан муомалада бўл», дедилар.

Демак, инсонларга чиройли хулқ билан муомалада бўлиш - бу одамийлик зийнати экан. Шу хусусда Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Амалларнинг қай бири афзалроқ?» деб сўраганда, ул зот: «Чиройли хулқ», дедилар.

Бошқа бир Ҳадиси шарифларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Албатта, Аллоҳ таоло яратилишингизни чиройли қилиб қўйган кишиларсиз, энди хулқингизни ҳам чиройли қилинглар» дедилар.

Луқмони Ҳакимнинг ўғли отасига: «Эй отажон, инсон учун қайси хислат яхшироқ?» деди. Отаси: «Дин», деб жавоб берди. «Агар хислат иккита бўлса-чи?» деб сўради. Отаси: «Дин ва мол», деди. «Агар учта бўлса-чи?» деди ўғли. Отаси: «Дин, мол ва хаё», деди. Ўғил: «Агар тўртта бўлса-чи?» деди. Отаси: «Дин, мол, хаё ва чиройли хулқ», деди. «Агар бешта бўлса-чи?» деди ўғли. Отаси: «Дин, мол, хаё, чиройли хулқ ва сахийлик», деб жавоб берди. Ўғил яна: «Олтита бўлса-чи?» деб ҳам сўраган эди, Луқмони Ҳаким: «Эй ўғлим, агар инсонда мана шу беш хислат жамланса, у покиза, тақводор, Аллоҳга дўст ва Шайтондан узоқ бўлади» деб жавоб қилди.

Мана шу бешта хислатлар борлиги ҳам мўминлик сифатларидандир.

Анас ибн Молик айтадилар: «Албатта, банда чиройли хулқи билан жаннатда олий мақомга етади, гарчи (нафл) ибодатини кўп қилса ҳам». Ушбу зотнинг сўзларидан маълум бўладики, инсон ёмон хулқи билан бошқа инсонларни кўнглига озор берадиган бўлса, ўша хулқи туфайли қилган яхшиликлари ҳам бекор бўлади.

Азизлар, инсон илмга қанча муҳтож бўлса, гўзал хулққа ҳам шунча муҳтождир. Зеро, илм ва гўзал хулқ инсонни камолотга етказувчи икки қанотдир. Ахлоқи комил, бир-бирига меҳрибон ва мададкор жамият бахтли ва фаровон жамиятдир.

Меҳр-муҳаббат, ўзаро эҳтиром, саховат, хаё, етим ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни қадрлаш, ота-онани ҳурматлаш мусулмонларнинг ажралмас хулқидир. Бинобарин, муқаддас динимиз ҳуснихулқдир. Шундай экан, барча чиройли хулқларимизни тўла намоён қилайлик. Фарзандларимизни ҳам хушхулқ қилиб тарбиялайлик.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига нисбатан яқин дўстдек муомалада бўлар эдилар. Қайси бир инсон билан суҳбатлашсалар унга шундай яқин муносабатда бўлардиларки, ҳатто ҳамсуҳбатлари хаёлида – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши кўрар эканлар, деган фикр қолар эди. Саҳобаларини тоқатларидан ортиқ ишга буюрмас, акс ҳолда уларга ўзлари ёрдамлашиб юборар эдилар.

Ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарларининг бирида саҳобаларига бир қўйни сўйиб, таом тайёрлашга буюрдилар. Шунда бирлари: Қўйни мен сўяман деса, иккинчилари, мен эса терисини шилиб, майдалайман деди. Учинчилари, уни пишириб таом тайёрлаш эса менинг зиммамга, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У ҳолда мен ўтин териб келаман» – дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ! Сиз қўяверинг, ўзимиз қилаверамиз» – дейишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса: «Тўғри, бу ишни ҳам ўзингиз уддалайсиз, аммо мен сизлардан ажралиб туришни хоҳламайман. Чунки, Аллоҳ таоло бандасини ўз биродарларидан ажралиб турган ҳолда кўришни ёқтирмайди» – деб жавоб бердилар.

Он ҳазратларининг ушбу сифатлари ҳам камтарлик бобида биз учун ўрناق бўлмоғи лозим. Чунки, баъзи инсонларга обрў ёки бир оз мол-дунё тегиб қолса, ўзини йўқотиб қўяди. Бошқаларга нисбатан беписанд назар билан боқади. Халқимизда «камтарга камол, манманга завол» – деган мақол ҳам бор. Қолаверса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки, Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ таоло унинг қадрини кўтаради» – деганлар.

«Шифои шариф» китобида келтирилишича: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳабашистон подшоҳи Нажоший томонидан келган элчиларга ўзлари хизмат қилганлар. Саҳобаларнинг, бизлар хизмат қиламиз, сиз қўяверинг, дейишларига қарамай, У зот хизматдан тўхтамадилар ва:

«Булар менинг Ҳабашистонга ҳижрат қилиб борган саҳобаларимга хизмат қилишган эди. Шунинг учун мен ҳам улардан ўз қарзимни узмоқдаман» – деганлар. Албатта, ўзгаларнинг ҳурматига нисбатан ҳурмат билан жавоб қайтариш ҳам гўзал фазилатдир. Бизлар бу соҳада ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрناق олмоғимиз даркор.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам хайру саховат бобида ҳам барчага ўрناق эдилар. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудандан ривоят қилинадикки,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийроғи эдилар. Айниқса, Рамазон ойида У зотнинг саховатлари янада ортиб кетар эди. Тонги сабо барчага хуш кайфият бахш этгани каби, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саховатларидан ҳам барча баҳраманд бўлар эди. *(Муттафақун алайҳ).*

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳиро ғорида биринчи бор ваҳий келганда, Жаброил алайҳиссаломнинг ҳайбатларидан қўрқувга тушиб, уйларига келиб ўраниб оладилар. Бўлган воқеадан хавотирланиб, уни Хадича онамиз розияллоҳу анҳога айтиб берганларида, у киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал хулқлари туфайли У зотга ҳеч қандай офат ва бало етмаслигини айтиб, кўнгилларини кўтардилар ва:

«Аллоҳга қасамки, У Сизни ҳеч қачон хорлаб қўймайди. Чунки, Сиз қариндошлик риштасини боғлайсиз, доим рост гапирасиз, муҳтож одамларнинг оғирини енгил қиласиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, ҳақиқатпарварларга ёрдам берасиз» – дейдилар.

Албатта, бу борада ҳам биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дан ибрат олмоғимиз даркор. Афсуски, ҳозирги кунимиздаги баъзи кишилар қариндошлар билан силаи раҳм қилиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ростгўйлик, инсоф, адолат каби фазилатларга ҳам беэътибор бўлиб қолмоқдалар. Баъзи бир кимсалар ўз ака-укалари билан сан-манга боришиб, ўртадаги қариндошчиликка чек қўйсалар, баъзи бировлар эса, кўни-қўшничилик ҳақларига риоя қилмай, уларга озор етказиб қўядилар. Баъзида кўча-кўйда ёшларнинг катталарга нисбатан ҳурматларини сақламаслиги, кузатилмоқда. Албатта, булар мусулмонлар шаънига номуносиб бўлган ҳолатлардир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом динининг мазмун моҳиятини ўзларининг кундалик ҳаёт тарзлари, амаллари ва пурмаъно сўзлари орқали намоён қилиб берганлар. У зотнинг:

«Пайғамбар бўлиб келишимнинг асосий боиси гўзал ахлоқни тамомига етказишдан иборатдир» – деган сўзларида Ислом динининг асл моҳияти ифодалаб берилгандир. Шундай экан, Аллоҳ таолонинг ризосини истаган, дунё ва охиратининг фаровонлигини хоҳлаган ҳар бир мўмин-мусулмон киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзи учун ибрат қилиб олмоғи лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизни гўзал хулқ соҳиби бўлмоқлигимизни насиб қилсин!

Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов